



ТОШКЕНТ

Газета 1998 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ


№ 152 (9.190)

1998 йил

25 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда

**Бугун
Ўзбекистон
Республикаси
Олий
Мажлисининг
XIII сессияси ўз
ишини давом
эттирди**



БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING УН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрда Тошкентда иш бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазиirlар Маҳкамасининг аъзолари, Республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия иштирокчилари 114-Қорадарё сайлов округидан Олий Мажлис депутати И. Теннинг хотирасини бир дақиқа сукат сақлаб эсга олдилар.

Олий Мажлис сессия ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибini тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида Молия вазири Р. Азимов маъруза қилди. Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитасининг раиси А. Аҳадов шу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

1999 йилги давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши Раиси А. Тожиев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят

хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ш. Норбоева, Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби, Тошкент давлат биринчи тиббиёт институтининг ректори Т. Даминов, Республика тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг раиси М. Собиров, Деҳқон ва фермер хўжаликлари Республика уюшмаси раиси А. Бобомирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессия иштирокчилари ҳузурда сўзга чиқди. У келгуси йилги давлат бюджетни лойиҳасининг мазмунини, бундан бунён иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, sanoat ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўлайитириш, халқ турмуши даражасини ошириш, кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кўлайитириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўзда тутилаётганини ҳар томонлама очиқ берди. Президент соликлар тизимини такомиллаштириш, бошқарув аппарати ва ички ишлар органларини сақлаб туришга харажатларни янада камайитириш, қуролли кучларни ислоҳ қилиш юзасидан кўзда тутилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхтади, бу тадбирлар бюджет маблағи анча те-

жалишини таъминлайди ва бу маблағ ишлаб чиқариш соҳасига ажратилади. Шунингдек, у бюджет ижроси устида Парламент назоратини кўчайитириш муҳимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги давлат бюджетини тасдиқлади.

Конунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалари бўйича парламент кўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова депутатларга Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Урганч қишлоқ коллежи директори И. Бойжонов, Тошкент вилояти Бука тумани ҳокими Р. Обидов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби Х. Эрматов нутқидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексини тасдиқлади.

Олий Мажлисининг кечки йиғилиши Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни Олий Мажлисининг Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик кўмитаси котиби Т. Усмонов депутатларга тақдим этди. Бу лойиҳани муҳокама қилишда Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, «Ўзкоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори О. Мансуров, Толима-

жон ГРЭСи қурилиш бошқармаси монтажчилари бригадир В. Южалкин иштирок этди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланди.

Парламентнинг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг раиси А. Йўлдошев Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими К. Ортиқов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов, Республика Бизнес-фонди бошқаруви раиси А. Юсупов шу ҳужжат юзасидан сессия минбарига чиқиб, ўз фикрларини айтдилар. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар.

Олий Мажлис Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг Хўжалик юритувчи кўмитасининг раиси А. Йўлдошев номидида «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфитдинова сўзга чиқди. Олий Мажлис Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттирди.

нинг мудри К. Иззатиллаев иштирок этди. Депутатлар Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Сессияда Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитасининг раиси А. Аҳадов Лизинг тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Навоий вилояти Тонди тумани ҳокими А. Назаров, Фарғона вилоятидаги «Қувамебель» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Муборак газ конлари бошқармаси бошлиғи Н. Зайниев иштирок этди. Депутатлар Лизинг тўғрисидаги қонунни биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра парламент Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатларга уни Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг раиси А. Йўлдошев тақдим этди. Шу қонун лойиҳаси юзасидан Фарғона вилояти Қува туманидаги Ш. Рашидов номидида «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфитдинова сўзга чиқди. Олий Мажлис Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттирди.

СУРАТЛАРДА: сессия пайти.
Абдувоҳид Тўраев ва Рўзмет Жуманиёзов (ЎЗА) олган суратлар.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ — ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

23 декабрь куни Вазиirlар Маҳкамасида ислохотлар самарасини ошириш бора-сида маҳаллий ҳокимият идоралари масъулиятини кўчайитириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишини жадаллаштириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазиirlар Кенгаши раислари, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазиirlар, кўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари катнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда шакланган макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамлашни яқунланаётган йилнинг энг катта ютуғи эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, жаҳон, хусусан, Осиё мамлакатларидаги молиявий инқироз, бизнинг иқтисодиётимизга ҳам нисбатан бўлса-да салбий таъсир кўрсатди.

Йўлбошчимиз бу ҳол ислохотларни амалга ошириш, корхона ва хўжаликлар иқтисодий мустаҳкамлигини таъминлаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда муайян муаммолар келтириб чиқарганини қайд этди. Уларни ҳал этиш, оддий меҳнатқашларга елкадош бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиш, авваламбор маҳаллий ҳокимият идораларининг вазифаси эканлигини алоҳида уқтирди. Республикаимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Улар кўп жиҳатдан ширкат хўжалиги, мул-

кий пай, оила пудратини изчил жорий қилиш билан боғлиқ. Ислам Каримов уларнинг муваффақияти учун авваламбор жойлардаги катта кичик раҳбарлар ислохотларнинг моҳиятини ўзлари аниқ тушуниб етишлари лозимлигини айтиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимиз келажаги, иқтисодий ва маънавий тараққиёти баркамол авлод, замонавий билимларга эга ёшлар қўлидадир. Бу борада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини изчил амалга ошириш, чунинчи, моҳиятани янги ўқув муассасалари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Йўлбошчимиз ҳар бир туманда замонавий талабарга жавоб берадиган шундай билим даргоҳлари бўлиши зарурлигини алоҳида қайд этди.

(ЎЗА)

ДАВР САДОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Усмон Худойкулов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Бўритош Мустафоев бошқа ишга ўтганили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод қилинди.
- Когон туманидаги бир қатор хўжалик ерларига сув етказиб берадиган Метропод канал қурилиши ниҳоясига етказилди.
- Жиззахда қурилиш материалларининг тижорат кўرғазмаси ўтказилди.
- Наманган вилоятининг Норинкада қишлоқда замонавий маиший хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топширилди.
- Тошкент Давлат техника университетининг факультетида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигига бағишланган «Бизнинг қонунимиз — бизнинг ҳимоямиз» шиори остида фестиваль ўтказилди.
- Навоийдаги «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти қошида тузилган «Қизилқум-Рус-Нур» қўшма корхонаси Қозғоғистоннинг янги пойтахти Остона шаҳри қурувчиларига қандоқланган цементнинг дастлабки 256 тоннасини етказиб берди.
- Сурхондарё вилоятининг Жаркўрган туманидаги «Минор» матлубот жамияти Янги йил арафасида замонавий усқуналар билан жиҳозланган янги бинога эга бўлди.

ЖАҲОНДА

- Украина Президенти Леонид Кучма Туркменистонга қилган ташрифи чоғида Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов билан туркман газини Украинага етказиб бериш масалаларини муҳокама қилди.
- Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ўз олдига қўйилган вазифаларининг уддасидан чиқа олганлиги боисидан мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқарди. Жорий йилнинг охирига қадар янги вазиirlар маҳкамаси ташкил этилиши керак. Бош вазиr ўринбосари Борис Силаев вақтинча Бош вазиr вазифасини баҳарувчи этиб тайинланди.
- Литва сейми «Қисман амнистия ҳақида» қонунини қабул қилди. Ушбу ҳужжатга кўра 2 мингдан зиёд маҳкумларнинг жаза муддати қисқартирилди. Бу жаза муддатини ўтаётганларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади.
- Москвада МДХ мамлакатлари божхона хизматлари бошлиқлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қонунда қарши бириликда қурашни кўчайитириш, ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.
- Украинанинг Верхояная Радаси Қримнинг янги Конституциясини тасдиқлади.

- Жаҳон банки автомобиль йўлларини сақлаш учун Россияга 400 миллион доллар қарз беришини маъқуллади.
- Бугун Москвада Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Белоруссия Президенти Александр Лукашенко билан учрашди. Унда икки томонлама бир қатор ҳужжатларни имзолаш кутилмоқда.
- Арманистон Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондида мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш дастури учун 124 миллион доллар қарз олади. Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди Россиянинг молиявий инқирозидан зарар кўрган МДХнинг бир қатор мамлакатларига ҳаммаси бўлиб 200 миллион доллар ахратишга қарор қилдилар.
- Кеча Тбилисида Греция фуқароси — Грециянинг Грузиядаги элчихонаси соқлик бошлиғи отиб ташланди.
- Россия Давлат Думаси Россия Федерацияси Президенти ўз тузатишларини киритган Ер кодекси лойиҳасини яна қайтарди. Бу ҳужжат Давлат Думасида беш йилдан бери муҳокама қилинади.
- Ливия инқилобининг раҳбари Муаммар Қаддафи 1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳри узра учиб борётган самолётнинг портлашига даҳлдорликда айбланаётган ўзининг икки фуқаросини Ливия фақат халқаро судга бериши мумкинлиги ҳақида баёнот берди.
- Гаров эвазига Швейцария қамқоқонасидан қайтариб юборилган Украинанинг соқик Бош вазири ва Верховная Раданинг ҳозирги депутати П. Лазаренко Киевга қайтиб келган парламент мажлисида сўзга чиқиб ўзининг сиёсий рақибларини «сиёсий буюртма»да айблади.
- Бельгиянинг қассация суди Италия вертолётларини харид қилиш билан боғлиқ коррупция тўғрисидаги ишга даҳлдор бўлган НАТОнинг соқик Бош котиби ва Бельгиянинг иқтисодиёт вазири В. Класенс уч йиллик қамқоқ жазосига ҳукм қилди. Ана шу иш юзасидан мамлакатнинг 12 та юксак лавозимдаги амалдорлари жавобгарликка тортилди.
- Покистон яқинда Россия билан Хиндистон ўртасида имзоланган ҳарбий шартномадан кескин танқид қилди. Шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, бу шартнома Хиндистоннинг суверитети атом кемаларини яратишга йўл очди.
- Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ҳукуматининг икки нуфузли аъзоси — Бош вазирининг яқин сафдоши — савдо вазири П. Мендельсон ва миллионер ҳазинабон Д. Ричардсон бирданга истеъфога чиқди. Жанжал П. Мендельсоннинг уй сотиб олиш учун Д. Ричардсондан олган қарзидан бошланди. Холбуки, Д. Ричардсон коррупцияга даҳлдор экан.
- Бирлашган Араб Амирликларида ҳаддан ташқари дабдаллаи тўйларни ўтказадиганлар учун қамқоқ жазосини ёки 137 миң доллар жаримини кўзда тутувчи қонун амалга киритилди.
- Мексикада қулларнинг қескин соқик кетчи оқибатида 200 киши ҳалок бўлди.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА

Шаҳримиз маҳаллаларида маҳалла оқсоқоллигига сайловлар давом этмоқда. Чилонзор туманидаги «Шарқ» маҳалласида ҳам мана шундай сайлов адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда қизгин тусда ўтказилди.

Унда маҳалла оқсоқоллигига тўрт кишининг номзоди кўрсатилган эди. Сайловчилар овоз беришларидан олдин шу маҳалла оқсоқоли Абдували Муродовнинг оқсоқоллик фаолияти — ҳисоботини тингладилар. Овоз беришчилар хусусан, 18-уй бошқарувчиси Шерали Маминов, 16-уйда истиқомат қилувчи ногирон-пенсиянер Сайдулло Жўраев, 25-уйда истиқомат қилувчи Зухра Султонова сингарилар оқсоқоллик номзодлар, жумладан Абдували Муродовнинг ҳисоботидан хулоса чиқариб ҳамда унинг шу давргада амалга оширган ибратли ишлари айниқса, маҳалла кўп қаватли уйлардан ташкил топганлигига қарамай бу ерда истиқомат қилувчи-

лар худди ҳовлиларда яшовчи қўни-қўшиллардай аҳил, тинч-тотув ҳаёт кечиришларида маҳалла оқсоқолининг ҳиссаси салмоқли эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Маҳалла фаоллари ва шу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг истак-хоҳишлари, уларнинг маҳалла оқсоқолига билдирилган ишончлари инобатга олиниб, Абдували Муродов «Шарқ» маҳалласига қайтадан маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

Шунингдек, Думбироход маҳалласи оқсоқоли Абдуусмон Абдуллаев, «Шарқ тонги» маҳалласи оқсоқоли Обид Аҳмедов, Бўстон маҳалласи оқсоқоли Йўлдошхўжа Абдурахмоновлар ҳам қайтадан маҳалла оқсоқоли этиб сайландилар.

С. Раҳимов тумани, Себзор даҳасида жойлашган 146-мактаб биносининг мажлислар залида «Қаҳрамон» ва «Тахтапул» маҳалла фаоллари иштирокида маҳаллаларини бирлаштиришга бағишланган йиғилиш ва ҳисобот сайлови бўлиб ўтди. Натижада ихкала маҳалла бирлаштирилиб, 8 мингга яқин аҳолиси бўлган янги «Тахтапул» маҳалласи ташкил этилди.

Оқсоқолликка уч киши номзод эди. Номзодлардан бири ўз номзодини қайтиб олди. Кейин икки номзод демократик асосда очиқ овозга қўйилди. Унда кўп овоз олган номзод — «Қаҳрамон» маҳалласининг оқсоқоли Уктам Юнусов яқдиллик билан янги тузилган «Тахтапул» маҳалласига оқсоқол этиб сайланди.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

МОЛИЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Маълумки, шу кунларда республикамизда давлат бюджетини сарф қилишнинг янги иқтисодий таснифини жорий этиш юзасидан семинарлар бўлиб ўтмоқда.

КЕЧА
ана шундай семинар Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди.
Унда Молия вазирилгининг шу йил 12 декабрда чиқарган

152-қарорига мувофиқ тасдиқланган янги иқтисодий тасниф масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, янги таснифнинг давлат бюджетни ҳисоб-китобидаги аҳамияти, қундалик тезкор, ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботларни йўлга қўйиш, бухгалтерлик ҳисоб-китобларининг методологик масалалари ва бошқа масалалар юзасидан узаро фикр айирбошланди.

Ободонлаштириш

САМАРАЛИ ЯКУНЛАЯПТИ

ҳида иш режалари тузилди, — дейди Ҳамза тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Нигматулло Оқунжонов. — Бунинг учун жамоамиздаги 371 нафар ишчи 12 та бригадга бўлиниб, қилиниши зарур бўлган ишлар юқлатилди. Туман ҳудудидан 2та катта чуқур қазилиб, бағр-ҳазонлар ёқилмай шу ерга ташланди ва кўмиб юборилди. Икки ой мобайни-

бўлими томонидан 11365 квадрат метр йул ва йўлчалар қайта таъмирланди. Икки ойликнинг ўтиши жарайида Мухтор Ашрафий ва Слоним қўчалари туташган жойда 580 квадрат метрлик кичик оромгоҳда ҳамда «Тарновобой» маҳалла гузарни ҳудудидagi ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларини амалга оширди.

Гулябгор МҮМИНОВА.

Мустақил, ривожланиб бораётган ватанимиз узра Муборак Рамазон ойи ҳукм сурмоқда. Тилимизда «Раҳмат ва марҳамат ойи» тарзида машҳур Рамазон ойи исломшуннос олимларининг аниқлашича, олтинчи яқин номга эга экан. «Аллоҳ ойи», «Неъматлар ойи», «Куръон ойи», «Кутулиш ойи» ва «Сабр ойи» кабилар бу силсиланинг энг машҳурлари ҳисобланади.

Бу ой 11 ойнанинг султони дея тан олиниб, ислом тарихида содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисалар ушбу ойда юз берган дейлади. (Куръони Каримнинг назил бўлиши, буюк Бадр жанги ва ҳозирлар).

Покланиш

НЕЪМАТЛАР ВА САБР ОЙИ

Рамазон ойи шунчалар қадрикли, унинг замирида инсоннинг иродасини мустаҳкамлаш, уни руҳан ва ахлоқан тарбия этиш, сабру қаноатга ўргатиш, нафсоний ва шаҳвоний орзу-ҳавасларга чек қўя билишга, кўникма ҳосил қила олишга адолатлантириш мавжуд. «Бақара» сурасининг оятидея рўза ҳақида «Эй, аймон келтирилган бандалар, сизлардан илгари ўтган халқларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутмоқлик фарз қилинди. Шоядк, рўза туйғайли гуноҳдан тийилсангизлар, «Рўза тугиш саноклик кунлардир. Бирортангиз касалманд ёки мусофирчиликда бўлсангиз, рўзани бошқа кунларга тўтиб беришингиз шарт» дейилган. Пайғамбаримиз Мухаммад саллолалойҳи алайҳи вассаллам «Ражаб ойи Аллоҳнинг ойи, шаббон ойи менинг ойим. Рамазон ойи умматларимнинг ойидир» ва яна «Кимки рамазон ойи аймон ва умид билан рўза тутса, унинг илгари қилган гуноҳлари мағфират қилинади», — деб марҳамат қилганлар. Рўза инсонни жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан тарбияловчи муҳим омилдир. Рўзадор киши табиатан мулоим, покиза, соф ниётили, раҳмдил ва ширинсухан бўлади. Рамазон ойида овқатланишни маълум тартибда чеклаш, танамизнинг ички аъзоларида тўпланган, саломатлигимизга салбий таъсир кўрсатувчи хиллардан, рутубатлардан тозаланишга асосланган бўлиб, ҳам руҳан, ҳам жис-

монан покланишимизга хизмат қилади.

Рўза тугиш эс-хуши бутун, саломатлиги яқши, балоғат ёшига етган ҳар бир мусулмонга фарз қилинади. Беморлар, сафардаги кишилар, ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзи ва гўдакка зиён етишидан хавфсизраганлар, кексайиб ҳолдан тойганлар рўза тутмаслиги мумкин. Модда алмашинуви бузилган, хусусан, қандли диабет бор беморлар рўза тутмасликлари керак, чунки бундай беморлар тез-тез овқатланиб, дори қабул қилиб туришлари, парҳезга қаттиқ риоя қилишлари зарур бўлади. Акс ҳолда оч қолиш ва белгиланган маълум бир вақтда дори ичмаслик бемор аҳолининг оғирлашишига олиб келади.

Жисмоний иш билан шуғулланадиган одамлар рўза тутмасликлари узрли сабаблардан ҳисобланади. Бу тоифадаги кишилар рўза тугишга моне бўлган сабаб кетганидан сўнг қолдирилган кунларни қазо қиладилар.

Айрим кишилар кун бўйи оч қолмасликлари учун саҳарликда енгил, тўйимли, қувватни оширишда ёрдам берадиган таомлар истеъмол қилганлари маълум. Жумладан, шакар ҳамда ёнғоқ мағзи тўйилган нон талқони, гуруч талқони, лочира нон, туршак, асал, сариёғ ёки қаймоқ, сутли овқатлар, бугда димлаб пиширилган таомлар, ҳўл мева ва сабзавотларни ёйиш тавсия этилади. Саҳарлик ва ифторлик пайтида овқатланишдан йғирма-ўттиз дақиқа олдин бир пиёла илик сув, ҳўл мева, сабзавот ёки турли шарбатлардан тамадди қилган маъқул.

Ифторлик таомлари ҳам кун бўйи очликда бўлган ошқозон учун оғир бўлмаслиги лозим. Булар унчалик ёғлиқ бўлмаган суюқ ҳамда сутли овқатлар (ширгуруч ширхўрда) ҳўл ва қуритилган мевалардан иборатдир. Агар юқорида айтилганларга амал қилиб рўза тутилса, Рамазон ойдан кейин ҳам киши ўзида толиқиш сезмайди, аксинча, айрим хасталиқлардан тўзалиб кетиши ҳам мумкин.

Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент.



Япония ҳукумати томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига ажратилган 82 минг долларлик грант ўз эгасига бориб етди. Янги йилдан қўши оқибат ва кўриш қобилияти паст бўлган болалар мактаб-интернати тарбияланувчилари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, хусусан, ташхис қувватини офтальмологик тўплам, 88 та ёзув машинкаси ва Брайл тизимидаги дисплей, принтерли компьютерлардан фойдаланишга эга бўлдилар. Ушбу асбоб-анжомлар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг буюртмасига асосан бутун дунёга таниқли бўлган Германиянинг «Карл Цейс Йена» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган.



Соғлом авлод учун

Хайрия ёрдами кўрсатилади

Уч ёшдан бошлаб болалар қабул қилинадиган маъкур мактаб-интернатда ҳозирги кунда 328 нафар болалар таълим-тарбия олмақда. Бу ерда олиб борилаётган ўқиш ва ўқитиш жараёни бошқа таълим масканларидан кам эмас. Ўтган ўқув йилида бу ерни битириб чиққан йигит-қизлардан 5 нафари Тошкент Давлат университети ва педагогика университети сингари нуфузли олий ўқув юрталарининг талабалари бўлганлар.

Шунингдек, пухта билим олган ўқувчилар республика миқёсида ўтказилаётган турли фан олимпиадаларида совриндор бўлмоқдалар. Мактаб-интернат қошида фаолият

амалий даволаш ишларини ҳам олиб бориш имкониятига эга бўлдиқ, — деди болалар бош офтальмолог, тиббиёт фанлари номзоди Сергей Писаревский. — Биргина «Карл Цейс Йена» фирмасининг асбоб-ускуналари ёрдамида бор-йўғи бир неча сонияларда аниқ ташхис қилиш имкониятига эга бўлаёلمиз.

«Карл Цейс Йена» компаниясининг бундан икки йил бурун Ўзбекистонда очилган вакаллатхонаси орқали муассасаларни фақат асбоб-анжомлар билан

таъминлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, балки мутахассислар тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Айни кунларда компания вакиллари мактаб-интернат педагоглари, тиббиёт хизматчилари ва болаларга замонавий техника сирларини ўзлаштиришларида кўмаклашаётир.

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, Япония ҳукумати ҳамда Германиянинг «Карл Цейс Йена» компаниясидан иборат «Учлик иттифоқи» ўнга яқин хайрия тadbирлари лойиҳаларини мўлжалламоқда. Уларнинг катта қисми амалга татбиқ

этила бошланди.

— Болаларга гамхўрлик кўрсатиш билан биз эртанги келажакка мустаҳкам пойдевор қўйган бўламиз, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими директори Гулнора Юнусқужаева. — Шу билан биргаликда давлатимиз келажак ишончли қўлларда эканлигини ҳис этамиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА, Наргиза ПИРНАЗАРОВА, СУРАТЛАРДА: мактаб-интернат ўқитувчиси Окмурут Утамуродов Брайл тизимидаги компьютерда иш олиб бормоқда; Сергей Писаревский беморга офтальмологик асбобда хизмат кўрсатаётир. Рашид Галиев олган суратлар.



ридли. Шунингдек, теннис корти ва сув ҳавзаси ҳам тез орада халққа хизмат кўрсата бошлайди. Лафотат кўчаси ва Бунёдор 1-тор кўчаларига рисоладагидек электр симлари

Маҳалла

Кенгашли тўй тарқамас

тортилиб, маҳалла аҳлининг кечалари юришлари учун кулай шароит яратилди. Маҳалла оқсоқоли К. Эрматов ва фаолларнинг масъулиятини ҳис қилиб ишларини натижасида 1997—98 йилларда ёш оилалар ўртасида турли нозлар, ажралишлар қамайди. Бунда ХДП маҳалла кенгаши котиби Тельман Ҳасанов, маҳалла фахрийлар кенгаши раиси Турсунбой Мамажонов ва ҳар бир кўчага бириктирилган оқсоқол маслаҳатчиларнинг хизматлари каттадир.

Маҳалла фаоллари маънавият, маърифат, маданият, таълим-тарбия, айниқса ёшлар тарбиясига катта эътибор беришмоқда. Маҳалла фаоллари 230-мактаб маъмурияти

фаза қилиш органларига, ёшларни ҳарбий хизматга чақиринишда, вояга етмаганлар, назоратсиз қолишини олдини олишга доир, ёшларни ишга жойлаштиришда оқсоқол ва маслаҳатчиларнинг ёрдами катта бўлаётир.

Лекин, маҳаллада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Айрим кўчалар симферчалари ва симлар алмаштирилиб, чироқлар қўйилиши, ҳар бир кўчага ахлат чиқиндилар ташланадиган қутилар қўйилиб, бу чиқиндиларни вақтида олиб кетишни йўлга қўйиш, Шоҳсанам ва Лафотат 1, 2, 3-кўчаларига сув оқадиған бетон ариқлар қурилиши кераклиги яқинда бўлиб ўтган «Тарновбоши» маҳалласи ҳисобот-сайлов йиғилишида фуқаролар сўзлашишда қайд этилди.

Маҳалла аҳли оқсоқолнинг ҳисоботини қониқarli топиб, оқсоқол маслаҳатчиларининг янги таркибини сайлади.

Қидирбой Тўлабоев.

Бу йил юртимизда бухорча кураш қоидалари асосида халқаро кураш ассоциацияси тузилиб, қўлгина ҳорижий мамлакатлар полволлари иштирокида Президент соврини учун турнирнинг катта муваффақият билан ўтганлиги барча ватандошларимиз қалбига фаҳр ва ифтихор тўйуларини уйғотди. Келаси йил эса шахримизда кураш бўйича дастлабки жаҳон чемпионати ўтказилади. Бу миллий спортининг жаҳон узра тан олиншининг яққол исботидир. Биз унга тайёргарлик масалалари юзасидан шахримизга ташриф буюрган Бутунжаҳон дзюдо федерациясининг биринчи вице-президенти, халқаро кураш ассоциациясининг ижроия кўмитаси аъзоси жаноб Франц Хугендайка билан суҳбатлашдик.

Махсус «Оқшом» учун

Франц Хугендайка: «Кураш — XXI аср спорти»

— Жаноб Хугендайка, жаҳоннинг тўртта китъасида миллий курашнинг нисбатан бундай катта қизиқиш уйғонишининг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Жаҳон мамлакатларида дзюдо жуда машҳур ва шу сабабдан дзюдо ва бухорча кураш уйғунлигида юртингизда юзага келган курашга катта қизиқиш пайдо бўлмоқда. Зеро, кураш энг қизиқарли ва шиддатли, ҳалол спорт тури бўлиб, унда бугуви, оғиртиб азоб берувчи нохуш усуллар йўқ. Курашда ҳалоллик, текозорлик ва жисмоний куч қадрланади. Бундан ташқари, дзюдочилар ҳам курашга тезда мослаша оладилар.

— Халқаро кураш ассоциациясининг таъсис конгрессида ассоциация қоида курашни ривожлантириш жамғармаси ва халқаро кураш академиясини ташкил этиш режалари баён қилинганди. Бу ишлар амалга оширилдими?

— Маълумки, курашни муайян даражадаги жаҳон спорти турига кўтариш учун катта маблағлар талаб этилади. Шу сабабдан халқаро жамғармани ташкил этаёلمиз. Курашининг жаҳон мамлакатлари узра кенг ва мустаҳкам тарқалиши учун эса жойларда ўз филиалларига эга бўладиган, уни тарғиб қилувчи, билимлар берувчи академия ташкил қилиш жоиз. Зеро, бундай академиялар бошқа етакчи спорт турларида мавжуд. Шу тажрибалардан фойдаланган ҳолда халқаро кураш академиясини шакллантиряёلمиз. Унинг фаолият бошлаши курашининг халқаро даражада ривожини жалдлаштирувчи муҳим омилдир.

— Олимпия ўйинлари дастуридан миллий курашимиз ўрин олса, жуда кўнглидаги иш бўларди. Шунга ҳаракатлар бўлаётими?

— Албатта, ўз олдимизга бундай мақсадни қўймаслигимиз ноўрин иш ҳисобланарди. Масалга жиддий ёндошган ҳолда шунга таъкидлашимизки, аввал жаҳон спорт ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллашимиз, сўнг эса олимпия ўйинлари дастурига кириш тўғрисида уйланишимиз керак. Бунда энг муҳими, бизни спорт федерацияларининг халқаро ассоциациясида тан олишлари керак. Бу борада дастлабки қадам ташланди — Бангкокдаги Осиё ўйинларида ушбу федерация раҳбари, ХОҚсининг вице-президенти Ким билан учрашиб, кўргазмалли чиқишларда курашчиларимиз маҳоратини намойиш қилдик. Жаноб Ким кураш тўғрисида илқ филар билдирди. Энди 2001 йилда Японияда бўлиб ўтadиган ноолимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатида катнашилса, нур устига нур бўлади.

— Келаси йили Тошкентда ўтказиладиган жаҳон чемпионати хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Европада курашни, «ХИ аср спорти» дейишмоқда. Шу сабабдан 1999 йилнинг 29 апрели — 2 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи жаҳон чемпионатида қатнашиш истагини ҳозирнинг ўзида 25 та Осиё, 35 та Европа мамлакатлари катъий билдиришди. Африка ва Америка китъасидан ҳам қатнашувчилар бор. Турнирдан олдин Европа ва Осиё ассоциацияларининг конгресси бўлиб ўтди. Бахслар 73-90 килограмм ва мутлақ оғир вазнларда ўтказилади. Бундай нуфузли мусобақалар, жамғарма ва академияларни ташкил этишдан асосий мақсад ҳам ўзбек миллий спортини жаҳон даражасига олиб чиқиш, олимпия ўйинлари дастурига киритишдир.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Ҳикматнома

Ўзинг қимматли бўл...

- Адабнинг юқори босқичи гўзал ҳулқдир.
• Сўзинг тўғри бўлса ҳам жоҳил ва нодонларга сукут билан қарши туриш ҳикматта мувофиқдир.
• Сўкут нодонга жавобдир, деб беҳиз айтмаганлар.
• Ўзинг қимматли бўл, ота-бобонг хикматини сўзлаб мағрурланма.
• Оёвингиз юғурса мақсадингизга етказида, тилингиз юғурса бошингизга фалокат келтиради.
• Қаҳр-ғазабини енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.
• Моли дунё кўплиги бойлик эмас, кўнгли тўқлиги бойлиқдир.
• Ахлоқ гўзаллиги дондгор насл-насабга эга бўлишдан юқори туради.
• Тамағир одамнинг юзига иззат ва ҳурмат, саодат эшиклари берқидир.
• Ҳаммадан кўра кўпроқ ўз дўстларининг келтирадиган зарарларидан қўрқ, чунки улар сенинг кўчусиз нуқталарингни билдилар.
• Бахт кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб билинадиган нарса эмас, фақат атрафдондигиларга қараб ўз бахт-саодатингни кўра оласан.
• Замон ишсиз ва ялқов одамларнинг беомон душманидир.
Дилноза ФИЕС қиз тайёрлади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШГИДРОМЕТИГА ҚАРАШЛИ В. А. БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА БЎШ ЎРИНГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
— ОБ-ХАВО ПРОГНОЗ-ЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА — МУДИР
— ОБ-ХАВО ПРОГНОЗ-ЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА — ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМ
— ТАБИИЙ МУХИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИ ТЕКШИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА — КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ
— ТАБИИЙ МУХИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИ ТЕКШИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ БЎЛИМИНИНГ ЛАБОРАТОРИЯСИГА — МУДИР
Танлов муддати эълон қилингандан бошлаб 15 кун. Ҳужжатларни директор номига қуйидаги манзилга юборинг: Тошкент-52, К. Махсумов кўчаси, 72-уй, тел: 35-83-50.

«ЎЗБЕКНАВО» ГКБ «Туркистон» концерт мажмуи
Эртақона декорация, гаройиб мусика, кўз қамаштирадиган нур ва ақл бовар қилмайдиган воқеаларни ТАҚДИМ ЭТАДИ: «Янги йилнинг ўн икки бонги»
Болалар учун шоу-спектакль
Ўн иккига бонг урган чоғда, Пайдо бўлар кўзда-қароғда.
Ўта позик, жуда ҳам тотли, Ҳаддан ширин-болу, новотли, Шоколадлар, айиқ, қўёнлар, Қутар сизни совға-саломлар.
1998 йил 30 декабрдан 1999 йил 10 январгача
Маълумот учун телефонлар: 34-71-39, 34-99-45, 137-60-91

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!
Масъулияти чекланган «Файз-Барақа» ММЛ жамияти
Бельгияда ишлаб чиқарилган юксак сифатли УНИИ
Тошкент шаҳрида энг арзон нархларда олишга Сизларни таклиф этиш шарофига муяссардир.
Бизнинг улаиш телефонларимиз: 67-28-71; 68-35-83.
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, тавалуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ертади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТЕУТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.
Мирзо Улугбек туманидаги «Tez sifat taom» МЧЖ банкротлик ҳолатига тушиб муносабати билан кредиторлар йиғилиши 1998 йил 26 декабрь кун соат 9.00 да Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани давлат солиқ инспекциясининг 212-хонасида ўтказилади. Маълумот учун телефон: 162-17-82.
СОТИЛАДИ 25 сотикли, шундан 15 сотиёв иссиқхона бўлган, барча қудайликларга эга 10 хонали планли уй сотилади. Мўлжал: 3-автомобилат яқинида. «Кумарик» маҳалласи, чойхона, Ҳасан ва Зухрулла. Тел. 57-98-26, 57-98-16, 78-22-82.
«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси компьютер бўлими ходимаси Феруза Содиковлага отаси Собир СОДИКОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

